



2025-yil
8-mart
shanba
№30
(5094)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, кадрли опа-сингиллар, дилбар кизларим!

Аввало, сиз, азизларни, кўп миллатли бутун юртимиз аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий буюк она сиймоси, мўтабар аёл зотини улуғлаб, уларнинг бахт-саодати йўлида барчамизни фидокор бўлишга даъват этгани албатта бежиз эмас.

Чиндан ҳам, меҳр-оқибат, олижаноблик, муҳаббат ва садоқат каби юксак инсоний кадриятларни камол топтиришда, оила кўргонини мустаҳкамлашда сизларнинг хизматингизни ҳеч нарса билан киёслаб бўлмайди.

Бугунги қутлуг байрамнинг файзли Рамазон ойида бўлиб ўтаётгани унинг эзгу руҳи ва мазмунини янада оширмоқда.

Муқаддас динимиз ҳам мухтарам оналаримиз, дилбар опа-сингилларимиз, мунис киз-

ларимизга ҳамisha яхшилик қилишга, уларнинг иззат-хурматини жойига қўйишга буюради.

Мана шундай қувончли айёмлар барчангизга муборак бўлсин!

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш, уларнинг кадр-қимматини улуғлаш Янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида етакчи ўринга қўйилмоқда.

Бугунги кунда хурматли аёлларимиз турли соҳа ва тармоқларда Ватанимизнинг жадал тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшаётганларини миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Масалан, 2017 йилда бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизини, Сенат аъзоларининг 27 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

>>> 2

Оқила ва меҳрибон аёллар – ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ



Кўксарой қароргоҳида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев нутқ сўзлаб, мухтарам оналар, азиз опа-сингилларни самимий қўтлади.

Маросимда Шавкат Мирзиёев халқимиз номидан аёлларни яна

бир бор табриклаб, эзгу тилаклар билдирди.

Байрам доирасида «Ўзбекистон» анжуманлар саройида тантанали концерт намоиши этилди.

Ушбу QR кодни сканер қилинг ва батафсил танишинг:



КАСАБА УЮШМАЛАРИ АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗДА



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАТСИЯСИ

Юртимизда аёлларни эъзозлаш, уларнинг жамиятда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами шаҳар-қишлоқларимизда одатдагидек кенг нишонланиб, аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатилаётгани сўзимизнинг исботидир.

Ўзбекистон касабасида ҳам ушбу айём тадбири ўтказилди. Унда аёлларнинг жамиятдаги ўрни, турли соҳалар ривожига қўшаётган муносиб ҳиссалари ҳақида сўз юритилди. Айниқса, юрт келажаги бўлган баркамол авлоднинг тарбиялашдек шарафли ва масъулиятли вазифа ҳам уларнинг зиммасида эканлиги алоҳида таъкидланди.

«Аёллар дафтари»даги хотин-қизларга берилаётган эътибор, гендер тенглик ҳусусида ҳам фикрлар билдирилди. Сўнгра тадбирда қатнашаётган барча аёлларга эътибор билан совғалари топширилди.

Дилёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»



Махмуд ТОНП,
Ўзбекистон халқ шоири

Ўзбегимнинг қизлари

Ўгли борнинг сўзи тиниқ, демангиз,
Қизи борнинг кўнгли синиқ, демангиз,
Момо Ҳавво – битта бўлган энангиз.
Қизлар ахир қалбимизнинг қўзлари,
Омон бўлсин, ўзбегимнинг қизлари!

Оқ кўнгишлар орусига етолган,
Ким отамга болишман, деб айтолган,
Оқибатнинг этагидан тугулган,
Қиз – қонимиз, юрагимиз юзлари,
Омон бўлсин, ўзбегимнинг қизлари.

Қиз узатиб, йиғлагандан сўрангиз,
Соғинчини тузлагандан сўрангиз,
Йўқотгандан бўзлагандан сўрангиз,
Тиллоларга топиларми излари,
Омон бўлсин, ўзбегимнинг қизлари.

Аёлларнинг поклаш учун яратган,
Ямогимиз чоклаш учун яратган,
Вале кимми қиз кўнглига қаратган,
Кеч англаймиз, болга болдир сўзлари,
Омон бўлсин, ўзбегимнинг қизлари.

Барчинойдан сўз айтади бахшилар,
Набиралар новотдан ҳам яхшилар,
Уйга келсам, кўзи порлаб қаришлар,
Таомимни тотли қилган сўзлари,
Омон бўлсин, ўзбегимнинг қизлари.

Бобо бўлиб кўнглим тўқдим сизларга,
Момоларнинг изидаги изларга,
«Омин», денглар дилдан айтган сўзларга,
Номардларга букимласин тизлари,
Омон бўлсин, ўзбегимнинг қизлари!

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ ИЛА

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши байрам муносабати билан мўтабар онахонлар, чекка овуллардаги турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган фаол хотин-қизлар, касабаси уюшма аъзоларини байрамона дастурхон атрофида жамлади.

Тадбирда иштирокчиларга совғалар улашиб, ўз соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган мўйноқлик Зулфия Турдимуратова, нуқуллик Гулшайра Аскарлова ҳамда шўманойлик Гулзар Жугинисовага «Умид гулшани» санаторийсига бекуп йўлланмалар тақдим этилди.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар кечага ўзгача файз киритди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАТСИЯСИ

УЛАР – МЕҲР ҚУЁШИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашида Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан аёлларга эҳтиром кўрсатилди. Тизимда узок йиллар фаолият кўрсатган фахрийлар ҳамда айни пайтда ишлаётган аёллар тақдир этилган «Аёл – меҳр қуёши» деб номланган тадбирни Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов табрик сўзи билан очди.

Соҳага меҳнати сингган фидойи опа-сингиллар, ҳудуднинг фахри бўлган етакчи хотин-қизлар меҳр қуёшига қисс қилинди.

Санъаткорлар ижро этган куй-қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

<<< 1

Аёлларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ҳам ижобий таъсир этаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Энг муҳими, ақл-заковатли, билимли ва истеъодли хотин-қизларимиз давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида намуна бўлишмоқда.

Ўтган йили Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз делегацияси таркибидagi аёл спортчилардан 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш, 3 нафари бронза медалини қўлга киритгани тарихимизда илгари бўлмаган натижадир.

Қизларимиз маданият ва санъат соҳасида ҳам Ўзбекистон байроғини баян қўтаришмоқда. Ўтган йили маданият ва санъат соҳасидаги нуфузли халқаро танловларда 25 нафар, мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда эса 71 нафар истеъодли қизларимиз ғолиб бўлганлари ҳам шундан далолат беради.

Мана шундай аёлларимиз сафи кенгайиши, қизларимиз бунёдкор авлод бўлиб майдонга чиқиши учун келгусида уларга қўшимча шароитлар яратиб берамиз.

Албатта, бундай кенг қўламли ишларимиз халқаро миқёсда ҳақиқат риважда эътироф этилмоқда.

Қадри юртдошлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз яхши тушуниб олишимиз зарур. Аёлларнинг ташвиш ва машаққати ҳам, зиммасидаги масъулияти ҳам эркакларга нисбатан анча юқори.

Уй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясида ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шугулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, десак, тўғри бўлади.

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб бериш доимо давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу боис, янгиланган Конституциямиздаги ижтимоий давлат тамойилига мувофиқ, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишларни тубдан янгилаш таъминлаш эҳтиёжидир. Бу борада ҳар бир маҳаллада хотин-қизларнинг ҳолати ўрганилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва эҳтиёжманд 1 миллион нафар хотин-қизларимиз («Аёллар дафтари» киритилди).

Жорий йилда уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаб, ногиронлиги бўлган 162 минг нафар аёлга санаторий, шифохона ва ўзлари яшаётган маҳаллада тиббий ёрдам кўрсатилади, боқувчисини йўқотган 130 минг нафар хотин-қизга моддий ёрдам берилади, яна 6 минг нафар аёлнинг уй-жой шароитлари яхшиланади, меҳнатга лаёқатли ва иш излаётган опа-сингилларимиз ишга жойлаштирилади.

Шунингдек, ҳар йили оғир вазиятга тушиб қолган 50 минг нафар хотин-қиз мамлакатимиздаги сўлим масканларга ўқиб ва хордик чиқариш учун юборилади. Уларга психологик ёрдам кўрсатилиб, тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш бўйича мотивацион семинарлар ташкил этилади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ.Рафиқов бу ишларга бош-қош бўлади.

Хотин-қизларнинг саломатлиги – ҳар томонлама соғлом ва қудратли жамият пойдеворидир.

Шу мақсадда юртимизда 230 та тугуруқ муассасаси 21 мингга энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланади. Бундан ташқари, жорий йилда 1,5 миллион нафар хотин-қизда саратон касаллигини эрта аниқлаш мақсадида скрининглар ўтказилади.

Аёллар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт оммалашиб бораётгани жамиятда соғлом муҳитни шакллантиришга катта туртки бермоқда. Шу боис, бу йил барча маҳаллалардаги 4 миллион хотин-қиз оммавий спорт мусобақаларига жалб қилинади.

Биз бир муҳим ҳақиқатни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз зарур. **Аёллар соғлом бўлса – оила мустаҳкам бўлади, уларда маънавий муҳит, ишчанлик кайфияти юксалади, келажакка яшнов ортади.**

Бугунги кунда юртимизда 40 мингга анча шундай оила барчага намуна бўлаётгани, ўтган йили уларнинг 208 таси «Ибратли оила» кўкрак нишони билан тақдирлангани барчамизни хурсанд қилади.

Биргина мисол. Тошлоқ туманидаги Қўзибоевлар оиласи 45 йил давомида барча ўртак бўлиб келмоқда. Оила бақаси Муқаддасона опа умрининг 35 йилини ёш авлодга таъ-

лим-тарбия беришга бағишлаган. У киши турмуш ўртоғи билан биргаликда фермер хўжалиги ҳам ташкил этиб, тумандаги элликка яқин оилани даромадли қилган.

Яна бир жиҳатига эътибор беринлар. Бу оила 30 дан ортиқ эҳтиёжманд оилани оталикка олиб, уларнинг фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиб, таълим олиши, касб-хунар ўрганишига кўмаклашмоқда.

Маҳаллаларда баркамол авлодни вояга етказиш ва камбағалликка қарши курашишда бизга мана шундай ибратли оилалар елкадош бўлиб келаётгани ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Янги Ўзбекистон тимсоли бўлган ана шундай ибратли оилаларга чин дилдан самимий ташаккурларимни билдираман.

Бундай оилалар қанча кўпайса, Ватанимиз шунча кучли, халқимиз шунча қудратли бўлади! Ибратли оила – ибратли ва адолатли жамият учун асос бўлади.

Азиз опа-сингиллар!

Барчангизга яхши маълум, кейинги йилларда хотин-қизларнинг сифатли таълим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мен бир фикрни такрор ва такрор айтишдан сира ҳам чарчамайман.

Битта қизни ўқитсак, бутун оиллага таълим берган бўламиз. Агар оила билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг оғи, маданий даражаси ҳам юксалади.

Юртимиздаги 203 та олийгоҳ талабаларининг 52 фоиздан ортинини хотин-қизлар ташкил этаётгани мана шу эзгу гоини ағамий натижадир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ўтган йилнинг ўзида магистратурада ўқиётган 15 мингга яқин хотин-қизларга 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

Ҳозирги вақтда 6 минг 200 дан ортиқ хотин-қизлар илмий фаолият билан шугулланаётгани, илмий ишланмаларнинг 25 фоизини оила аёлларимиз яратётгани ҳам, жамиятда уларнинг ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Уларнинг орасида халқаро даражада эътироф этилаётган илм-фан вақилларининг борлиги барчамизга ҳеч қандай фахр-ифтихор бағишлайди, ёшларимизни янги-янги ютуқларга ундайди.

Масалан, таниқли микробиолог олимимиз Дилфуза Эгамбердиева шўрланган тупроқда серхосил экинлар етиштириш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари учун ЮНЕСКОнинг нуфузли Карлос Финлей халқаро мукофотида сазовор бўлди.

Аёллари ўқимишли ва касб-хунарли бўлган юрда тинчлик ва тараккиёт бўлади. Аёллари маърифатли бўлган халқ албатта бахтли бўлади.

Шу боис, ҳар бир оилادا қизларимиз боғча, мактаб билан тўлиқ қамраб олиниши, замонавий касб-хунар ва чет тилларини эгаллаши, олий маълумотга эга бўлиши учун бундан бундан ҳам барча шароитларни яратамиз. Хусусан, бу йил 250 минг нафар қизимиз олий таълимга қамраб олинади. Бу 2017 йилга нисбатан 3,5 қарра кўп. Натижада ҳар бир маҳалладан 25-30 нафар хотин-қиз олийгоҳларда таълим олиш имконига эга бўлади.

Бунинг учун Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Махкамова, Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳ.Умарова ҳар бир мактабда юқори синфда таълим олаётган қизларимиз билан ишлашни индивидуал ёндашув асосида ташкил этиб, уларни олийгоҳларга тайёрлайди.

Бу йил шароити оғир оилалардаги иқтидорли ёшларни хорижда ўқитиш бўйича «Ёрқин келажак» лойиҳасини бошлаяпмиз. Ушбу лойиҳа доирасида камда 200 нафар қизимиз ҳар йили дунёнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга юборилади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қ.Шарипов, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Зоҳидов, Савдо-саноат палатаси раиси Д.Ваҳобов тизими эса яна 250 минг нафар хотин-қизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун масъул бўлади.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Биз халқимизнинг розилигини, аввало, сизларнинг розилигингиз, деб тушунамиз.

Бу борада аёлларимизни безовта қилаётган энг катта масала, бу – ишсизлик. Шу боис, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш бўйича катта дастурларни амалга оширяпмиз. Ўтган йилнинг ўзида бу мақсадларга 17 триллион сўм кредит ажратилди. Ана шун-

дай эътибор туфайли аёл тадбиркорларимиз ўтган йили 81 триллион сўмлик маҳсулот эратиб, 450 миллион долларлик экспортни амалга оширганлиги албатта таҳсинга сазовордир.

Масалан, Навоий шаҳрида қандалог ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркор Шаҳноза Каримова 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қизни ўқитиб, ишга олган. Шулардан 10 нафарига уй-жой сотиб олиш учун бошланғич тўловни тўлаб берган.

Энг муҳими, бундай саховатпеша тадбиркор аёллар барча ҳудудларимизда қўллаб топилади. Улар «Мен – бунёдкор аёлман» деган лойиҳани илгари суриб, маҳаллаларда минглаб аёлларни касб-хунарга ўқитиб, даромадли қилиш ташаббусини билдиргани, тўғриси, мени жуда руҳлантирди.

Мен ўзига катта ижтимоий масъулият олган мана шундай ишбилармон хотин-қизларни «Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор аёллари» деб биламан ва уларга қучур миннатдорлик изҳор этаман. Уларга қандай қўшимча шароит ва енгилликлар керак бўлса, эратиб беришга тайёрман.

Шу борадаги амалий қадам сифатида Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тадбиркор аёллар кенгашини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ушбу кенгаш жойларда аёл тадбиркорларни қийнаётган аёл-тий муаммоларни ҳал қилиш бўйича тўғридан-тўғри парламент олдида масала қўйса, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Нодира Шотурсунова бу ишларга бош-қош бўлади.

Бу йил 2 миллион нафар аёллар бандлигини таъминлаш, шундан 1 миллион 300 минг нафар хотин-қизни тадбиркорликка жалб этиш бўйича катта марралар олганмиз. Бунинг учун тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай молиявий пакетлар тақдим этилади.

Мисол учун, «Миллий банк» (А.Мирсоатов) хизматлар соҳасида камда 200 минг нафар хотин-қизнинг лойиҳаларига кўмаклашади. «Туронбанк» АТБ (Ҳ.Мирзаев) лимончиликда 150 минг нафар аёллар даромад топиши учун арзон кредитлар тақдим этади.

Худди шунингдек, «Микрокредитбанк» АТБ (О.Бўтаев) паррандачиликда – 160 минг нафар, «Саноат қурилиш банк» АТБ (А.Ақбаржонов) сабзавот ва кўчатлар етиштиришда – 160 минг, «Халқ банк» (Ш.Отабоев) узум, брокколи ва маҳаллий қарам етиштиришда – 150 минг, «Агробанк» (Э.Қаҳоров) боғдорчилик йўналишида – 144 минг, «Бизнесни ривожлантириш банк» (С.Аннақлиев) кўкак, буғзор қалампир, баклажон ва помидор етиштиришда – 94 минг, «Асақабан» (Қ.Тулаганов) фармацевтика ва узумчиликда – 82 минг, «Алоқабанк» (К.Иришбекова) IT, асарчилик ва мевали экинлар етиштиришда 58 минг нафар аёлларимизни банд этишга кўмаклашади.

Шу мақсадда бу йил маҳаллаларда аёллар тадбиркорлиги лойиҳалари учун қўшимча 3,3 триллион сўм ажратилади. Хусусан, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида яна 100 миллион доллар берилади. Бунга қўшимча равишда тижорат банклари ҳам 100 миллион доллар жалб қилиб, маҳаллаларда ўзини ўзи банд қилган хотин-қизларга 50 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратади.

Ўтган йили ташкил этилган «Хамроҳ» компанияси янги тизим асосида Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастурини бошлаган эди. Бу лойиҳага ҳам 100 миллион доллар ажратганмиз.

Кредитини вақтида тўлаган аёл тадбиркорларга ушбу дастур доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит беришни бошлаймиз.

Шунингдек, маҳаллада 5 нафар аёлни бизнесга олиб қилган 1 минг нафар «устоз» тадбиркорларга 50 миллион сўмгача грант ажратилади.

Марказий банк (Т.Ишметов) тижорат банклари билан бирга икки ой муддатда банкларда хотин-қизлар учун янгича ёндашув асосида молиявий хизматларни йўлга қўйиш учун масъул бўлади.

Масалан, тугуруқ таълиғига чиққан аёллар учун банк кредитлари бўйича тўловлар муддати 10 ойгача узайтирилади. Энди аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича 4 босқичли янги тизимни йўлга қўямиз.

Биринчи босқичда бизнесга қизиққан, лекин кўникмаси бўлмаган 20 минг нафар хотин-қиз тадбиркорликка ўқитилади. Бунга Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов, Н.Шотурсунова) масъул бўлади.



ЭСКИ ДУНЁГА СЎНГГИ ОГОҲЛАНТИРИШ
Америка етакчиси 4 март куни Вакиллар палатаси ва Сенат аъзолари қаршида нақ 1 соғу 40 дақиқа «зерикарлик», «мазмунсиз», «аниқликдан холи» дея баҳоланган нутқ сўзлади. Унга қадар фақат Билл Клинтонгина ўзининг 88 дақиқалик маърузаси билан рекордчи бўлиб турган эди. Сайловлида кампаниясидаги асосий қарашларини яна бир бор такрорлаган Трамп маърузасининг асосий қисминини президентлик фаолиятидаги дастлабки ойда эришган муваффақиятларига бағишлади. У тарифлар ва миграция сиёсати ҳақида гапириб, ора-сирада Мексика кўрфазини Америка кўрфазига, дея қайта номлаш, давлат хизматчилари учун

масофавий ишлашни тақиқлаш ва фақат икки гендерни қонуна мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳам ёдга олди. Ташкил сиёсат ҳақида сўзлар экан, Панама канали устидан назоратни қайта тиклаш ва Гренландия хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Агар бугун тортган кўзойнақларни тоза артиб, ижтимоий тармоқларда болаётган юзакли фикрлардан бироз узоқроққа назар солиш имкони бўлса, АҚШ президенти Украинадаги можаро истикболлари билан бир қаторда, Европада ушбу можарони қандай қилиб бўлса ҳам давом эттириш пайида бўлганлар устидан ҳам қалин чизик торганини кўриш мумкин.

АМЕРИКАЧА

Трамп АҚШнинг глобал таъсири кучайиб бораётганини таъкидлаб экан, яқин орада Европа Иттифоқига боғжона тўловлари жорий этилиши ҳамда Украинадаги тинчлик истиқболлари ҳақида маълум қилди. Муҳими шундаки, Трамп учун бу мавзулар чамбарчас боғлиқ: Америка демократлари ва уларнинг «қучур давлати», шунингдек, Европа етакчилари ва Евротузилмалардаги бюрократия, доимий урушни тарғиб қилаётган манфаатдор кучлар Трамп учун нафратли либерал жаҳон тартибини ифодалайди ва уни ҳар қандай йўл билан йўқ қилиш лозим.

Дарҳақиқат, Дональд Трамп бир неча ўн йиллардан бери такрор ва такрор бир гапни ургулаб келади. Яъни, «Америка Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўз ҳисобидан барча учун қулай тартибни яратди ва уни хали-ҳануз қўллаб-қувватлаб келмоқда. Барча хавф-хатарлар ва харажатлар АҚШ зиммасида. Бошқалар (асосан, энг яқин иттифоқчилар) эса шу тартиб соясида фаровон ҳаёт кечирмоқда ва АҚШ устидан қулмоқда, чунки ҳозир дунёда ҳеч ким уни жиддий қадри қилмаяпти. Ер юзида фақат АҚШ, Россия ва Хитойдек ҳақиқий кучларгагина глобал масалаларни ҳал қилиши мум-

кин. Америка қўшинлари ҳимояси остида «муваффақиятга эришилди» деяётганлар, аммо унга ақл ўргатишга ва хатто қарши чиқишга журъат қилаётганлар – аслида ҳеч ким ва ҳеч нарса эмас. Уларнинг ҳақиқий ва мантикий вазифаси – чакагини ўчириб, хўжайинга таъзим қилиш ҳамда бож, кўз ёш солиғини тўлаб юриш, холос».

Маърузадан фақат бир нарсани англаш мумкин: аввалги тартиб энди умуман ишламайди. Бу Трампнинг навбатдаги сиёсий баёноти эмас. У АҚШ саксон йил давомида қурган тизимни бузаяпти ва таъкидлаётгани, Американинг ҳеч қандай ҳеч қандай қарзи йўқ. Европа, Украина, НАТО – Америка солиқ тўловчилари маблағига таянган ҳар қандай тузилма энди ўзини ўзи таъминлаши керак. Ва бу ажралиш оғрикли кечини аниқ.

МОЛИЯВИЙ ЁРДАМГА ХАЙР
Дунёдаги барқарорлик узоқ йиллар норасмий шартнома асосида таъминлаб келинаётган эди. Америка молиявий ёрдам кўрсатади – иттифоқчилар ушбу тизимга риоя қилади. Шу тарихи АҚШ узоқ йиллар Европа хавфсизлигига сармоя

Иккинчи босқичда «Халқ банки» (Ш.Отабоев, Г.Рашидова) ўзини ўзи банд қилган 100 минг нафар аёлнинг кичик тадбиркор бўлиши учун кўмаклашади.

Учинчи босқичда Савдо-саноат палатаси (Д.Ваҳобов) энг фаол 50 нафар аёл тадбиркорни йиллик айланмаси 100 миллиард сўмдан ошадиган «чемпион тадбиркор»га айлантиради.

Жорий йилда 60 та туманни «ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд»га айлантириш бўйича катта марра олганмиз. Бунга қўшимча равишда ҳокимлар ҳар бир вилоятнинг 2 тадан туманини ишсиз аёллар қолмайдиган ҳудудга айлантириш учун масъул бўлади.

Умуман, 2025 йил аёллар бандлигини таъминлашда ҳал қилувчи йил бўлади. Хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, ишли қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 2 миллион нафар аёлнинг бандлиги таъминланади. Бунда Марказий банк (Т.Ишметов) тижорат банклари билан 1 миллион 300 минг нафар, Қасаба уюшмалари Федерацияси (Қ.Рафиқов) «Аёллар дафтари»га киритилган 636 минг, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (З.Махкамова) тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 100 минг нафар хотин-қизни ўқитиб, иш билан таъминлаш ва бизнесини очишга кўмаклашиш учун масъул бўлади.

3.Махкамова, Қ.Рафиқов бугун айтилган ҳар бир йўналиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини вилоят, туман, маҳалла даражасида самарали ташкил этишга масъул бўлади.

Т.Норбоева маҳаллий кенгашлар билан бирга бу ишларни тизимли назоратга олиб, масъуллар иштирокида уларни мунтазам муҳокама қилиб боради.

Мухтарам опа-сингиллар! Бугунги кунда ҳаётимиз, одамларнинг турмуш тарзи, тафаккури, дунёқарши ва маданияти тобора юксалиб бормоқда.

Олдимизга барча соҳа ва йўналишларда гоёат улугвор мақсадларни қўймоқдамиз. Бунга эришиш учун биз таянадиган етуқ авлодни тарбиялаб, вояга етказиш сиз, азизларнинг – фидойи оналарнинг қўлида.

Шунинг учун сиз, мухтарам аёлларимизга улкан таҳсинлар айтиб, сизларни қўллаб-қувватлашдан ҳеч қачон чарчамайми.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги байрам муносабати билан меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида катта натижаларга эришган, эл-юртимиз ўртасида хурмат ва эътибор топан мухтарам аёлларимиз билан тақдирландилар.

Шунингдек, ўзининг билими, иқтидори ва одоби билан тенгдошларига намуна бўлиб келаётган қизларимиздан 28 нафари турли соҳалардаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлдилар.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари барчангизга муборак бўлсин!

Сизларни ўз номиндан, бутун халқимиз номидан яна бир бор чин юракдан табриқлаб, келгуси ишларингизда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинглар! Қадри юртдошлар! Мухтарам опа-сингиллар!

Бугун биз мард ва олижаноб халқимизга, унинг бунёдкорлик салоҳиятига ишониб, бошлаган улкан ислохотларимизни қатъий давом эттиришимиз, янги босқичга қўтаришимиз лозим.

Жонажон Ватанимизнинг янги юксалиш даврини барпо этишда азиз аёлларимиз доимо олдинги сафда бўладилар, деб ишонаман.

Сизларни бугунги қутлуг байрам билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Барчангизга сўхат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, дунёдаги энг катта бойлик – оилавий бахт-саодат ёр бўлишини тилайман.

Доимо фарзандларингиз ва яқинларингиз, эл-юртимиз ардоғида юриш насиб этсин!

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИЗИҚАРЛИ ВА МУРОСАСИЗ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабачи уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши оила ва хотин-қизлар ҳамда спорт бошқармалари билан ҳамкорликда маҳалла хотин-қизлар фаоллари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича мусобақа ўтказди.

Аёллар спортини янада ривожлантириш, жисмоний фаолликка ундаш ва спорт соҳасида муваффақиятга эришишга йлҳомлантириш ниятида ташкил қилинган мусобақаларда 130 нафардан зиёд иштирокчи ўз имкониятларини намойиш этди.

Жамоалар орасидаги баҳслар қизиқарли ва муросасиз кечди. Иштирокчилар ўзларининг жисмоний ва техник тайёргарлигини келиб чиққан ҳолда, жамоаларини юқори поғоналарга кўтаришга ҳаракат қилишди.

Яқунда голлиб жамоалар ва фаол иштирокчилар ташкилотчиларнинг дилшод ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шокир АЛЛАБЕРГАНОВ,
Давлат муассасалари
ва жамоат хизмати
ходимлари касабачи уюшмаси
Хоразм вилояти
кенгаши раиси

Ўзбекистон касабачи уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида «Аёлга эҳтиром» деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. Унга касабачи уюшмаларнинг барча соҳалар тармоқларидан жами 100 нафардан зиёд энг фаол хотин-қизлар таклиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон халқ шoirи Махмуд Тоир, Тошкент вилояти Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Нилуфар Нормирзаева, вилоят кенгаши ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашдилар. Дастлаб вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева барча хотин-қизларни байрам билан табриқлаб, уларга самимий тилаклар билдирди. Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси вилоятдаги хотин-қизлар



ЭНГ ФАОЛ КАСАБАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

фаолиятининг жамият ривожига қўшаётган муносиб ҳиссаси, шунингдек, касабачи уюшмаларнинг меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя

қилишдаги ўрнини алоҳида эътироф этди. Тадбирда Махмуд Тоир ижодидан шеърлар тингланди.

– Мен Тошкент вилояти Соғ-

ликни сақлаш бошқармасида ишлаётганимга салкам 50 йил бўлди, шунда 10 йилдан ортганини касабачи уюшмаларида ишлаб ўтказяпман, – дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси касабачи уюшмаси раиси Раъно Ҳакимова. – Касабачи уюшмаси раислигига ўтганимда, бу вазифа ниҳоятда масъулиятли, шу билан биргаликда шарафли эканини тушунганман. Ҳар бир ходимни ўз оила аъзосидек кўриб, унинг манфаати учун курашиш кишига чин маънода фахр бағишлар экан. Бугунги байрамга эъзозлаб қақаришганидан хурсанд бўлдим. Ташкилотчиларга катта раҳмат!

Тадбирда барча катнашчиларга Ўзбекистон касабачи уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда ташаккурномалари топширилди.

**Ниғора
РАҲИМЖОНОВА**

НКМКнинг олтин аёллари

Беш йилдирки, Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти ва касабачи уюшмаси ташаббуси билан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан «НКМК олтин аёли» кўрик-танлови ўтказиб келинади.

Кўрик-танловнинг жорий йилги финал босқичида саралашдан муваффақиятли ўтган 14 нафар иштирокчи тўртта шарт бўйича беллашди.

Айтиш лозимки, бугунги кунда комбинат тизимида 6150 нафар, «Навоийуран» давлат корхонасида 892 нафар, «НКМК жамгармаси» давлат муассасасида 5669 нафар хотин-қизлар ҳизмат қилмоқда. Уйқан кранлар, кон техникалари, замонавий технологияларни бошқаришга аёлларнинг жасорати ва меҳнати ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, комби-

натининг Навоий машинасозлик заводи кўймачилик цехи пулт бошқарувчиси Рухангиз Файзуллаева, «НКМК жамгармаси» ДМ Зафаршон хуудий бошқармаси Тиббий-санитария қисми шифокори Наргиза Саломова ҳамда «Навоийуран» ДК Зафаробод кон бошқармаси марказий физика-кیمیвий лабораторияси муҳандис-технология Камила Қосбармакова голлибликни қўлга киритиб, кимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Азамат ЗАРИПОВ,
журналист



«112» ходимлари

Эсингизда бўлса, бундан бир муддат илгари «Ishonch» газетасида «Қиска рақамлар орғидаги катта масъулият» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда АҚШдаги машҳур «911» хизмати ҳақида маълумотлар берилган эди.

Ушбу хизматнинг бизда – Ўзбекистонда ҳам аналогий борми? Ҳа, бор! Бу – «112» ягона диспетчерлик хизмати. У турли давлат идораларининг фавқулодда вазиятларини ягона тармоққа бириштириб, шойилнинг ёрдам қақирларини қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминлайди. Ушбу тизим Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ижтимоий ҳимоя миндлий агентлиги ва «Худудгазтаъминот» акциядорлик жамияти каби муҳим ташкилотларнинг фавқулодда хизматларини ягона платформа бириштирилади.

Ягона диспетчерлик хизмати фуқароларнинг шойилнинг мурожаатларини қабул қилиш ва автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш, тезкор ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ҳамда вазирлик ва идораларнинг мувофиқлашган ҳолда ишлашни таъминлаш каби вазифаларни бажаради. Ушбу тизимнинг жорий этилиши катор афзалликларини тақдим этди.

– Фуқаролар 112 рақами орқали ички ишлар органлари, тез тиббий ёрдам, ўт ўчирувчилар ва бошқа шойилнинг хизматларга мурожаат қилиш имкониятига эга. Барча мурожаатлар ягона база орқали қайта ишланиб, керакли хизматларга автоматик равишда йўналтирилади. Вазирлик ва идоралар ўртасида тезкор ахборот алмашишуви таъминланиб, фавқулодда вазиятларда самарали ҳаракатлар амалга оширилади. Энг муҳими, тизим фуқароларга бепул ва узлуксиз (24/7) шойилнинг ёрдам кўрсатиш имконини беради, – дейди Тинглан, ўқитиш ва хизмат сифатини ошириш бўлими бошлиғи Юлдуз Пулатова.

Ягона диспетчерлик хизмати дастлаб пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида синнов тарихисидан ишга туширилди, кейинчалик босқичма-босқич бутун республика бўйича жорий этилди. Бугунги кунда мазкур хизмат аҳолининг тезкор ва шойилнинг мурожаатларини қабул қилмоқда.



Ушбу тизим АҚШдаги машҳур «911» хизматининг аналогий бўлиб, ички ишлар органлари, ўт ўчириш ва тез тиббий ёрдам хизматларига мурожаат қилиш учун фавқулодда рақам ҳисобланади. 112 рақами орқали фуқаролар ҳар қандай фавқулодда ҳолатда бир зумда тегишли хизматларга мурожаат қилишлари мумкин.

«112» ягона диспетчерлик хизмати аҳолига тезкор ва самарали ёрдам кўрсатишда муҳим ўрни тутди. Бугунги кунда марказда 1551 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 827 нафари хотин-қизлардир. Улар куну тун мурожаатларини қабул қилиб, фавқулодда вазиятларда тегишли идоралар билан ҳамкорликда ёрдам кўрсатади.

Диспетчерлик маркази операторлари юксак масъулият талаб этувчи касб эгалари ҳисобланади. Улар нафақат кўнгирокларини қабул қилиб мурожаатларини қайта ишлайдилар, балки инсон ҳаёти учун муҳим қарорлар қабул қилишлари ҳам тўғри келади.

Феруза Каримжонова марказ операторларидан бири. У соҳага бўлган садоқати ва фидокорона меҳнати билан ажралиб туради: – Кўп йиллардан бери оператор бўлиб ишлайман. Ягона дис-


петчерлик марказида меҳнат қилиб, қийин ҳолатга тушган инсонларга ёрдам берганимдан фахрланаман. Ишимиз турли ҳудудлардан келадиган кўнгирокларга жавоб бериш ва тезкор ёрдамни таъминлашдан иборат. Марказда иш уч сменада ташкил этилган. Ҳатто байрам кунлари ҳам навбатимиз келса, ишга чиқишга тайёримиз. Сабаби, айнан ўша кунларда мурожаатлар сони ортиб кетади. Ишимни яхши кўрсанам учун унинг қийинчиликлари сезилмайди, аксинча, кимнингдир муаммосини ҳал қилганимдан мамнун бўламан.

Операторлар иш фаолияти давомида турли ҳодисаларга дуч келишади. «112» хизматига аҳоли томонидан энг кўп ички ишлар, тез тиббий ёрдам ва фавқулодда вазиятлар бўйича мурожаатлар келиб тушади. Операторларнинг тезкор ҳаракатлари инсонлар ҳаётини сақлаб қолишда ҳам катта аҳамият касб этади. Ҳар бир оператор ўз вазифасини масъулият билан бажариб, одамлар дардига малҳам бўлишга ҳаракат қилади. Бу тизимнинг самарали ишлаши аҳоли ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

– Ҳар бир мурожаат орғида инсон ҳаёти бор. Ишимизда қизиқарли ва таъсирли кўнгироклар ҳам учирайди. Айниқса, зўравонликка учраган аёллар ёрдам сўраб мурожаат қилганда, уларнинг ҳавотир ва кўрқувини ҳис қилганам. Биздан бу ҳолатлар ҳақида ишдан кейин ҳам ўйлаб қоламан. Чунки бу – инсон ҳаётига таъсир қилувчи жиддий вазиятдир, – дейди Назокат Нурматова.

«112» хизмати ходимлари қийин ҳолатда қолган инсонларга руҳий ва маънавий қўмак ҳам беради. Ҳар бир оператор ўз вазифасини сикдикдилдан адо этишга ҳаракат қилади.

**Феруза
РАҲИМЖОНОВА,
Мирнодир
МИРКАМЛАЮВ,
«ISHONCH»
муҳбирлари**



ҲАМИША ХИЗМАТГА ШАЙ

«ИСФАНДАРМУЗ» ДАН 8 МАРТГАЧА...

Кўпчилик хотин-қизлар байрамини ХХ асрда вужудга келган деб ўйлайди. Аммо тарихий манбаларда қайд этилишича, бу байрам Марказий Осиёда қадимдан, яъни матриархат даврида ҳам бўлган экан. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида ҳам узоқ ўтмишда аёллар байрами мавжуд бўлгани ҳақидаги қизиқарли маълумотлар бор.

Баҳор арафасидаги ой «исфандармуз» деб номланган. Бу ой аёллар ойи ва унинг бешинчи кунини аёлларнинг энг катта байрами ҳисобланган. Беруний «Ўтмиш замонларда бу ой ва бу кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар», деб ёзади. Исфандармуз сўзининг маъноси «акл» ва «мулоҳаза» бўлиб, «Исфандармуз» гўзал, ор-номусли, эзгу ишлар қилувчи ва эрига муҳаббатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номи ҳамдир.

Қадимда Марказий Осиё халқлари орасида аёллар байрами («Исфандармуз») кенг нишонланган. Бирок ўрта асрларга келиб, кўпгина қадимий байрамлар қатори у ҳам йўқолиб кетган.

XX аср бошида Европада вужудга келган халқаро хотин-қизлар куни бизга ўша қадимий байрамни қайтарди, десак муболага бўлмайди. Дунё хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий тенглиги ва эркинлиги учун кураш кунини жорий қилиш ташаббуси 1910 йил Копенгагенда бўлиб ўтган II Халқаро социалист аёллар Конференциясида Клара Цеткин томонидан ўртага ташланган. Бу ташаббус 1911 йил Австрия, Дания, Германия, Нидерландия ва Швейцариянинг илгор аёллари томонидан қўллаб-қувватланди. 1914 йилга келиб, Россия, АҚШ, Германия, Франция каби кўплаб мамлакатларда 23 февраль (8 март)да хотин-қизлар байрами ўтказила бошланди.

Марказий Осиёга, шу жумладан, Ўзбекистонга янги шаклдаги байрам ўтган асрнинг 20-йилларида кириб келди. 1918 йилда илк бор Тошкент, Қўқон, Фарғона ва бошқа жойларда хотин-қизлар байрами нишонланди.

30-йилларда бу байрам «Хужум» компанияси билан боғлиқ кетди. Шўролар ҳукумати хотин-қизлар байрамидан ўз максуди йўлида фойдаланишга интилди. Шундай бўлишига қарамасдан, 8 март байрами ўзбек хотин-қизларининг сиёсий, ижтимоий-маданий фаоллашувида муҳим роль ўйнади.

Мустақил Ўзбекистонда ХХ асрдан XXI асрга ўтишнинг даслабки даврида йилларнинг кўпи аёлларга бағишланди. Чунки:

- 1998 йил – «Оила йили»,
- 1999 йил – «Аёллар йили»,
- 2000 йил – «Соғлом авлод йили»,
- 2001 йил – «Оналар ва болалар йили»,
- 2005 йил – «Сиҳат-саломатлик йили»,
- 2010 йил – «Баркамол авлод йили»,
- 2012 йил – «Мустахкам оила йили»,
- 2013 йил – «Обод турмуш йили»,
- 2014 йил – «Соғлом бола йили»,
- 2016 йил – «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинди.

Бундай эътибор бежиз эмас, албатта, Чунки жамиятдаги тотувлик тинчлик ва меҳр-оқибат, энг аввало, аёллар маънавиятига, уларнинг меҳнати ва шижоатига боғлиқ. Ҳаётининг барча соҳаларида, яъни ишлаб чиқариш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва фарзандлар тарбиясида хотин-қизларнинг ўрни беқийсдир. Аслида аёлларнинг фақат байрам қиларидагина эмас, балки ҳар кунини асраб-авайлаш, оғирини енгил қилиш, уларга гамхўрлик кўрсатиш юрт ўғлонларининг бурчидир.

Усмон ҚОРАБОЕВ,
Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расмоллик
ва дизайн институти профессори,
фалсафа фанлари доктори



АЖРАШИШ

киритди, Украинани ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, НАТО ҳаражатларини қоплади. Иттифоқчилар эса тинч ва ҳавфсиз ҳаёт кечирди, жиддий таваккалчиликка қўл урмади.

Бирок Трамп бу тизимни ҳеч қачон эқтирмагани ҳам бор гап. У 1987 йилдаёқ бу ҳақда «Нега биз ўзга давлатлар кемаларини ҳимоя қилишимиз керак, улар эса қийин вазиятда бизга ёрдам беришмайди?» деган эди.

Бугун эса у нафақат савол, ҳатто унинг жавобини ҳам беришди: Киевга моливий ёрдам минимал даражага туширилади; Европа энди Вашингтон саховатидан умид қилмаслиги керак;

Америка – халқаро муаммоларни ҳал қилувчи эмас, балки ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат.

КИЕВ ВАЗИЯТНИ ЎНГЛАЙ ОЛАДИМИ?
Владимир Зеленскийнинг Вашингтонга ташрифи Украина учун сиёсий ғалабага айланиши керак эди. Бирок у мураккаб воқеалик олдига оҳиз қолди. Моливий ёрдам рад этилди, қўшимча қуро-яроғ ажратиш та-

дабига «омборларимиз бўш» жавоби берилди, Украинага АҚШнинг текнига ёрдам берадиган даврлари орта қолгани уқтирилди.

Ваҳоланки, яқин-яқинда Зеленский «эркин дунё»нинг бош қаҳрамони эди. Аммо Америка ўйин қоидаларини ўзгартиргач, унинг мақоми кескин ўзгарди. Украина стратегик активдан асабга тегаетган қарзга айланди – ундан кутулишни истаётганлар кўпаймоқда.

Энди Киев умид билан Европада кўз тикипти, аммо Брюссель Вашингтон ўрнини боса оладими? Ёки Украина боши берк қўчага қириб бўлдики?

НАВАТ ЕВРОПАГАМИ?
Агар АҚШ Киевни қўллаб-қувватлашни бас қилса, Европа ҳам янги воқеалик моласлишига мажбур бўлади. Бирок Европа Иттифоқи Америка ҳарбий соябони остида яхши яшаётган ҳамда бошқаларга демократия ва инсон ҳуқуқларидан сабоқ берувчи маънавий ҳакам ролига анча ўрганиб қолган эди. Энди ушбу соябонни йиғиштиридан пайт келгандек, Европа етакчилари Америка пуллари ва қуро-

яроғларисиз Украинага ёрдам бериш лойихаси қўлаётганига гувоҳ бўляпгилар.

Трамп Украинада тинчлик ўрнатиш масаласини илгари суриб, Европа элиталарини тузокка туширди: агар улар урушни давом эттириш талаби билан чиқса, АҚШ кўз ўнгида ўз геосиёсий даъволарини Америка пули билан қондиришни истаётган очкўз, нонкўр ва фойдасиз вассалларга айланадилар, агар тинчликка рози бўлишса, стратегик хатоларни ва Кремль олдидаги мағлубиятини тан олишларига тўғри келади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам Трамп ютади. У Европада нисбатан ҳам худди Зеленский билан ўйинда фойдаланган картасини ишга солади: «Урушни давом эттирмакчимисиз? Марҳамат, ўзингиз тўланг».

Трамп ташқи савдо муносабатларида Европадан 25 фоизлик бош тўлашни талаб қилмоқда. АҚШ иттифоқчилликни «пул тўла ёки ҳимоясиз қол» тамойилига алмаштирмоқда. Брюсселда Европа келажакга борасида аниқлик йўқ. Айрим сиёсатчилар эса аллақачон орта чекина бошлашди.

Хуллас, Америка етакчилиги остида қурилган жаҳон тартиби барқарорлик қафолати бўлолмаслиги тобора аён бўлиб борапти. Назаримда, вариантлар жуда кам – учта эҳтимолий сценарийдан бири амалга ошиши мумкин:

Россия билан келишув
Америка ўйиндан чиқади, Киев эса реал воқеалик қаршида яқка-ёлғиз қолади. Россия ўз шартларини илгари суради ва сўнги йилларда эришган натижаларини мустаҳкамлайди.

Европа ўйнади
Эски тартиб қулаганини англаб етган Европа Иттифоқи қуролланишга зўр беради. Германия, Франция ва Британия

яниги ҳарбий иттифоқ тузиб, мустақил сиёсат юритиш йўлини танлайди.

Муроца
Европа кўпроқ тўлашга рози бўлади, вазиятни АҚШ назорат қилади, Украина давлат сифатида яшаида давом этади, аммо аста-секин Ғарб эътиборидан четда қолади.

Демак, саҳна тайёр. АҚШ энди дунё «назоратчиси» эмас. Украина фақат ўз кучига таяниши ўрганиши керак. Европа эса Америка соябонисиз қандай яшай олишини синаб кўради. Вашингтон учун бу – геосиёсий, иктисодий ўйинда янги стратегия бўлса, Киев учун бир вақтлар берилган қоп-қоп ваъдаларнинг ҳавода гойиб бўлишига тенг.

Трамнинг қарашлари аниқ: «Ҳар ким ўз пулини ўзи тўласин». Бў сўзлар нафақат НАТО ва Европага, балки Украинага ҳам ишора: «Урушни давом эттирмакчимисиз? Демак, маблағ топинг».

Бирок бу ажрашиш Америкача ўтмоқда – орта йўл йўқ. Киев АҚШнинг «эрқатойи» мақомидан тушди, Брюссель эса ўз ўрнини англашига тўғри келаяпти. Россия билан келишув, Европанинг ҳарбий мустақиллиги ёки мавжуд тизимни сақлаб қолиш – қайси йўл танлашинини эса вақт кўрсатади.

Бир нарса аниқ: тарих саҳифаси алмашмоқда ва янги давр қоидалари ҳали-ҳамон ёзилмоқда. Қалам эса Трампнинг қўлида. Аммо у қаламининг сиёҳини Европага ҳам, Киевга ҳам тўлатмоқчи. Савол шундаки, ким ва қачанга рози бўлади?



**Жаҳонгир
НАХАНОВ**
«ISHONCH»

8-mart – Xalqaro xotin-qizlar kuni bilan!

Xotin-qizlarimizni mehr va sadoqat ramzi bo'lgan 8-mart – Xalqaro xotin-qizlar bayrami bilan samimiy muborakbod etamiz!

Sizlarga oilaviy baxt va bahoriy kayfiyat tilaymiz!

Bayramona kayfiyatga 8GB qo'shib oling!

8 GB – 8 000 so'm

*500#

Amal qilish muddati: 5 kun. Aksiya 2025-yil 7-martdan 10-martgacha amal qiladi
Narxlar barcha soliqlarni hisobga olgan holda ko'rsatilgan.

Реклама
UZTELECOM
MOBILE

MUASSIS:



ISSN 2030-5002
2007-yil
11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida 116-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Доверие»
gazetalarini
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOY,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

**Hududlardagi
muxbirlar:**

Qoraqalpog'iston
Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati –
(+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 213-09-66
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda
manba sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
D. Ibrohimov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
U. Xudoyberganova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 00:50
Topshirildi – 01:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzili:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi
32 463 ta
Shundan:
6 275 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi – Toshkent shahri,
Buyuk Turok ko'chasi,
41-uyda;

18 277 nusxasi
«Erudi» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen
ko'chasi, 270-uyda;

7 914 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ
bosmaxonasi – Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi, 236-ab) uyda
chop etildi.

Gazetaning poligrafik
jihatdan sifatli chop
etilishiga bosmaxona mas'ul.
Gazetaning etkazib
berilishi uchun obunani
rasmiylashtirgan
tashkilot javobgar.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-311
1 2 3 4 5 6

СИЗГА ҲАВАСИМИЗ КЕЛАДИ

Ташкент вилоятининг Пискент туманида яшовчи 71 ёшли Ҳафиза Ҳакимова салкам 40 йиллик тажрибага эга тadbirkor. У 2018 йили вилоятда биринчи бўлиб хусусий боғча очди, сўнгра, «Қирққизбулок» дам олиш масканини обод қилиш учун қарийб 300 миллион сўмлик инвестиция киритди. Ён-атрофдаги кишлоқларда бир нечта дўконларни, шунингдек, «Оталар чойхонаси»ни ишга туширди. Ўтган йили эса, «Андижон – Ўш – Гулистон» магистраль йўли ёқасида йўловчилар учун кулай катта ва шина таомхона қурди. Айни пайтда узок йўл юриб хориган йўловчилар билан гавжум. Яна бир муҳим жиҳати, Ҳафиза опа айни вақтда 50 нафарга яқин кишини иш билан таъминлаган.

Унинг айтишича, турмуш ўртоғи билан бир пайтлар икки хонали уйда, тўртга бола билан рўзгорни юриштига кийналган. Кейин, тadbirkorлик билан шугулланишга аҳд қилишди. Турмуш ўртоғи кимё-биология фанлари мутахассиси бўлгани боис полиз экинлари экишни режалаштиришди. Ижарага ер олиб, ишга киришадилар. Экинлар агротехнология қондалари асосида парваришлангани учун, яхшигина ҳосил олишади. Рўзгорга барака қиради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида яқка тартибдаги тadbirkorликка рухсат берилди. Ҳафиза опа бундан жуда қувонди. Уйларига катта йўл ёқасида бўлгани учун, турмуш ўртоғидан шу ерга дўконча қуриб беришни сўради. Дўкон қурилгач, уни махсулотлар билан тўлдириб керак эди. Шунда Ҳафиза опа дўконга сеп учун берилган нарсаларни ҳам дўконга олиб чиқди. Кейинчалик қундалик эҳтиёж моллари ва рўзгор учун зарур буюмларни олиб келиб, расаларни тўлдирди.

Вақт ўтиб, дўконлар сони 3 тага етди. 2007 йилда эски ҳаммомни сотиб олиб, таъ-

мирлашди ва «Оталар чойхонаси»га айлантиришди. Бинонинг бир хонасига уйсиз, но-чор юрган бир одамни киритиб, уни ишли қилишди. Ўша одам кексалар хизматини қилиб юриб, кичик тadbirkorликни йўлга қўйди, бора-бора ўзини тиклаб олди.

– *Кунларнинг бирида эл орасида номи ва булоқлари билан танилган «Қирққизбулок» дам олиш масканини айланар эканман, одамлар ёнингарилик пайтлари лойли йўлақларда қийналиб юришганини кўриб, бу ерларни ободонлаштириш, яхши шароитларга эга, дам олиш масканига айлантириш халқимни чулғаб олди, – дейди Ҳафиза опа. – Сўнгра Пискент тумани ҳокимига ўша жойда аҳолига сервис хизматини кўрсатишни йўлга қўйиш юзасидан мурожаат қилдим. Илтимосим тезда қаноатлантирилди. Дарҳол «Комронбек – Фарангиз – бизнес» масъулияти чекланган жамиятига асос солиб, зиёратхона таъмир-лашга киришдик. Қирқта булоқ атрофидаги ўнқир-чўнқирларни текисладик. Мармардан йўлақчалар қилдик, 70 метр узунликдаги зинапожлар ўрнатдик. 2,5 километр масофага электр сими тортидик. Турмуш ўртоғим билан Маргилонга бориб, ёғочдан ясалган 30 та бежирим сўри олиб келдик. Бундан ташқари, қозон-ўчоқ, дастурхон, чойнак-пиёла деганларидек, аҳолига нима зарур бўлса, барчасини муҳайё қилдик. Зиёратчилар кўпайиб, тиниқ булоқ сувларидан ичиб, ўзлари ош-овқатни тайёрлашар, сўрида дам олишарди. Бу масканимиз ҳозир ҳам иссиқ кунларда гавжум бўлади, одамлар табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Буларни кўриб, одамларга фойдам тегаётганидан ич-ичимдан қувонаман...*


Ҳафиза опа собиқ колхоз идорасини ҳам кимошди савдоси орқали харид қилиб, 2018



йил баҳоридан унинг ўрнида 100 ўринли «Сеҳрли ўрмонча» хусусий болалар боғчасини очди. Натияжада 15 нафар аёл иш билан таъминланди. У Ташкент вилоятини очилган биринчи хусусий боғча эди. Болаларига қаровчи йўқ, ишловчи кишлоқдошлари учун бу айни муддао бўлди. Ижтимоий химояга муҳтож оилаларнинг 10 нафарга яқин фарзандлари эса, боғчага бепул қабул қилинди. Шундан кейин хусусий боғча очиб истагидаги кўплаб тadbirkorлар боғчани, ундаги шароитларни ва иш тутумини намуна сифатида кўриб кета бошлади. Вақт ўтиб, вилоятда бундай боғчалар сони кўпайди.

Ҳафиза опа пандемия даврида аҳолига кўрсатган фидокорона хизматлари учун «Меҳр ва саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тadbirkorning келгуси режаларини сўрадик. У бизга «Андижон – Ўш – Гулистон» магистраль ёқасидаги овқатланиш маскани ёнида 50 ўринли меҳмонхона, ёнидан эса автомобилларни таъмирлаш устaxonасини барпо этиш режаси борлигини билдирди. Шу ёшда ҳам тиниб-тинчиманган, му-дом одамларнинг оғирини енгил қилиш, юрт қорига яраш қай-гусида бўлган мўътабар бу аёлга ҳавасимиз келди.



Холида
ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
3-10 МАРТ КУНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА
«АЁЛГА ЭҲТИРОМ» ҲАФТАЛИГИ ЎТҚАЗИЛМОҚДА.

«АЁЛГА ЭҲТИРОМ» ҲАФТАЛИГИ

Ҳафталик доирасида ҳаётимиз гули, хонадонимиз чирроғи бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Чунотчи, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эҳтиёжмандларга ижтимоий-иқтисодий кўмак бериш борасида кенг қўллаб-қувватлаш тadbirkorлари режалаштирилган.

Эътиборлиси, хотин-қизлар учун мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги музейлар, тарихий масканлар, обидалар, зиёратгоҳлар ва кўнгилочар масканларга саёҳатлар ташкил этишни касба уюшмалари ташкилотлари аллақачон бошлаб юборишди. Мисол учун, яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашининг ташаббуси билан бир гуруҳ нуруний онахонлар ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган опа-сингилларимиз ҳамда «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган 50 нафар эҳтиёжманд хотин-қизнинг Ташкент шаҳрига бир ҳафталик саёҳати ташкил этилди.

Шунингдек, вилоят касба уюшмалари тармоқ кенгаши тармонидан Термиз шаҳридаги «Сурхон комфорт бизнес» МЧЖ, Сурхондарё Архитектура ва қурилиш техникуми ҳамда Бандихон тумани ободонлаштириш бошқармаси фаррошлари – Ҳабиббахон Жумақулова, Гулчехра Улуғова ва Санобар Эшалиевага «Умид Гулшани» санаторийида саломатликларини тиклашлари учун бепул йўлланмалар топширилди.




Чори
ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Анара Явқотчиевна Бобомуродовага акаси **Турсун Явқотчиевич БОБОМУРОДОВ** вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

Азиз газетхон!

Мароқли
дам олинг!



Ғиёс Бойтоев ижросида

«МЕҲРИБОН ОНА» қўшиғи

Эй, она!
Меҳрибон она!

Кеч келсам, мени кутган,
Соғиниб галлар ютган,
Кўксига бошим қўйсам,
Дарров гамин унутган...